

Ушбу сонда:

2

ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

3

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

4

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 3 сентябр, чоршанба № 138 (1563)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ.С.Караматовни Ўзбекистон Республикасининг Франция

Республикасидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ҳамидулла Садуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 сентябр

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи номидан ҳамда шахсан меннинг гоят самимий ва қизгин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Суверен Ўзбекистон бунёдга келган йиллар мобайнида халқаро ўқув ишонч ва ҳамжихатликка асосланган йўлни босиб ўтди. Гузал мамлакатингизда мустақиллик йиллари ичида рўй берган ижобий ўзгаришларни, жаҳон ҳамжамияти томонидан унга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Азиз Ислон Абдуғаниевич, ушбу тантанали фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан бахт-саодат, мустақам соғлиқ ҳамда давлат фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, серқуёш Ўзбекистонга эса тинчлик, барқарорлик ва раванқ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,

Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Республика куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизнинг мақсад ва орзулари муштаракдир. Икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги самарали алоқалар бунинг далилидир.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида тарқиб топган ўқув ишонч ва ҳамжихатликка асосланган дўстона муносабатлар бундан бунён ҳам халқларимизнинг манфаатлари йўлида муттасил ривожланиб, мустақамлашиб бораверади.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб Сизга мустақам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, омонлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБЕКОВ,

Қозғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги саноли муносабати билан Сизга ва барча биродар ўзбек халқига самимий қутловларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Биз халқларимизни бирлаштириб турган асрий дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини қадрлаймиш ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўрнатилган ана шу пишиқ-пuxта пойдеворни мустақамлаш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишга азму қарор қилганмиз.


Узаро ҳурмат руҳи, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш, ҳамкорликни авж олдиришини янги йўللари билан топишга интилиш Тожикистон-Ўзбекистон муносабатларига хос хусусиятдир. Тожикистон ҳукумати бундан бунён ҳам икки мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги мулоқотларни рағбатлантириш ҳамда қўл томонлама алоқаларни мустақамлаш учун ҳамма ишларни қилаверади.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Сизга мустақам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикасининг раванқ топириш йўлида янги-янги зафарлар, биродар ўзбек халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Имомали РАҲМОНОВ,

Тожикистон Республикаси Президенти



Биринчи кўнғирок... У Тошкент молия институтининг солиқ лицейида дастлабки ўқув йилини бошлаган 150 нафар йигит-қиз ҳаётида бир умрга мухрланиб қолади. 1997 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу ўқув масканида жорий йилдан ижтимоий-гуманитар ҳамда аниқ фанлар ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўқилади. Суратларда: ўқув йилининг дастлабки кунидан лавҳалар. Ф.ХИДИРОВ олган суратлар

### Ислоҳот мевалари

Йиллар тўғони, бошқарувдаги лоқайдлик вилоятдаги йирик корхона инкироз ёқасига олиб келди. Юзлаб одамларни иш билан таъминлаб келган фабрика ҳувиллаб, чеварлар ҳам уни тарқ эта бошлади. Инкироз эшикдан мўралаб қириб, бутун фаолиятдаги фалажликни вужудга келтирди.

## «ЛОЛА-МОДЕЛ» МАҲСУЛОТИ элга манзур

Банкротлик балосидан қутилиш мумкинми? Бу ҳавфни ким бартарар эга олади? Мутасадди раҳбарлар бу ҳақда қўн бош қотиришди. Ниҳоят «Лола» ҳиссадорлик жамияти ташки бошқаруви раиси вазифасига соҳада катта тажрибга эга Илҳомжон Сотволдиев номзода тавсия этилди. Чўлуварларнинг аксарияти бу ном яхши таниш. Негаки, Илҳом ака Мирзақўлға истиқлол йиллари Андижондан ташриф буюрган бўлсада, теъдда танилди. Тилга тўшди. У ўзи билан водийда «Гулисафар» деб номланувчи мўжаз гул қўчаларини ҳам келтирганди. Дастававал, Мирзаобод сўнгра Янгиер хибобнари ана шу гуллар билан қуршалди. Янги раҳбар руҳини чуқиб, аста-секин қўн тароватини йўқотган «Лола» тикув ишлаб-чиқариш корхонасига гулдан либос кийдиришга интилди.

«Ўзбекнеғилсоноат» акционерлик компанияси ҳамда вилоят ҳокимлигининг корхона неғизда кўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи янги раисга оид бағишлади. Хайрли ишининг ташвишу азоблари ҳам сезилмас экан. Жамоани шакллантириш, чеварлар ишига жалб этиш осон кечмади. Хорижлик ҳамкорлар ҳам астойдил ишга киришди-лар. Ута қисқа фурсатда корхона тўлиқ таъмирдан чиқарилди. «Лола-модел»нинг ҳамкорлари Туркиянинг Измир шаҳридаги «Догуш» компанияси ҳамда

ўзлаштириб олишяпти. Ишлари ўта пухта ва пишиқ. Ишлаб-чиқарган маҳсулотимиз хориждаги нуфузли фирма ва компаниялар маҳсулоти билан бемалол рақобатлаша олишига шубҳа йўқ.

Путур кетиб, барака кўтарилган корхонада бугун ҳаёт яна қайна бошлади. Севимли даргоҳларини тарқ этган чеварлар қадрдон гўшаларига қайтишмоқда. Тажрибали тикувчи Муниса Шамсуддинова корхона билан ўз тақдирини боғлаган, десак хато қилмаймиз. Бозор иқтисодида мослаша олмаб, доғда қолган сеvimли жамоасини у ташлаб кетмади. Умид билан кутди.

Фабрикамиз ташкил этилганига бу йил 30 йил тўлди, - дейди Муниса Шамсуддинова. Бу ерда минглаб ёшлар касб сирларини ўрганишди. Улар маъна тоға жипо бериб, бежирим либослар тикишди. Чеварларнинг қалби ҳаяжонда. Негаки, сеvimли даргоҳимиз қайта тугилди. Қад ростлади. Дунё бозори эшиги рўбарўсида туриб-миз. Узимизни синаб кўриш имкони туғилганидан мамнунизм. Ташки бошқарув раиси Илҳомжон Сотволдиев истиқболдаги режалар хусусида сўзлаб берди. Орзиқиб қўтилган илк маҳсулот дунё юзини кўрди. Эндиликда тармоқни кенгайтириш чора-тадбирлари қўриллапти. Раиснинг эътирофи эътишча, келгусида вилоятдаги қатор шаҳарларда фирма дўконлар очиб режаси бор. Ишлаб-чиқаришни кенгайтириш, шохоб-чалар барпо этиш ҳам кўзда тутилляпти. Яқин йилларда хали саноат корхоналарининг қадами етмаган Мирзаободда битта шохобча ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилди. Яхши ният ярим мол. Зеро, ҳозирча «Лола-модел» вилоятда ёш жамоа бўлиб қолаётган бўлсада, унинг дадил одими кўчиликни қувонтиряпти.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

## Ўқув йили бошланди

Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланди. Юртимиз илм-маърифат масканларида ушбу кўнға қизгин тайёргарлик кўрилди. Ўқув бинолари таъмирланди, хоналар жиҳозланиб, ўқувчи ва талаба ёшлар жаҳон андозалари даражасида билим олиши учун барча қулайликлар яратилди.

Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ҳам жорий ўқув йилини кўтаринки руҳда қаршилади. Бу йил ушбу олий таълим маскани ташкил этилганининг 85 йиллиги нишонланади.

Мазкур илм даргоҳи нафақат республикамиз, балки минтақа давлатлари илм-фани, халқ ҳўжалиги ривожига муносиб улуш қўшиб келаётган етакчи олий таълим муассасаларидан биридир. Университетда Кадрлар тайёрлаш мил-

лий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борапти.

Бугунги кунда таълимнинг 29 йўналиши бўйича бакалавр, 101 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланади. Ушбу йўналишлар учун зарур давлат стандартлари, намунавий ўқув режалари ва дастурлар таълим жараёнига изчил татбиқ этилмоқда. Жаҳоннинг тараққий этган илм даргоҳлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Университетда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Унда олимлар, талабалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Илк кўнғирок талабаларни «Мустақиллик дарси» машғулотларига чорлади.

(ЎЗА)

### Ижтимоий ҳимоя

Мулк шаклининг ўзгарганлиги касаба уюшма ташкилотларидаги ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш шартини яхшилаш каби масалаларга эътиборни оширишни тақозо этади.

## КАСАБА УЮШМА ТАШАББУСИ

Меҳнат жамоамиз унчалик катта эмас. Бу ерда атиги 80 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Шунга қарамайдан, маъмурият билан тузилган жамоа шартномасига мувофиқ ходимларнинг меҳнат ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалашга алоҳида аҳамият бериляпти.

Хусусан, кам таъминланган оилалар, фахрийлар, меҳнат, уруш ноғиронлари ва муқтасил кишиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашини 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишчилар моддий фаровонлигини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳиссадорлик жамиятида ишлаб топилган фойда ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга шу йилнинг ўтган ойларида 3 миллион 98 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоа аъзолари соғлом ва бақувват бўлса, ютуқлар шунчалик кўпаяди. Ходимлар соғлигини муҳофазалаш доимий назоратда. Касаба уюшма ташаббуси билан вилоят ортопедия шифохонасига 368 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Эндиликда ходимлар мазкур шифохонада корхона ҳисобидан даволанадилар.

Хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларнинг меҳнат қилиши, дам олиши, ижтимоий ва маданий ҳаётда фаол қатнашиши, оилада тиббий маданиятни мустақамлаши учун амалий ёрдам кўрсатилляпти. Корхонада ишлаётган хотин-қизлар, серфарзанд аёллар ва нафақахўрларга бир миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Саховатпешалик, меҳр-шавақат, гамхўрлик тўғўлари ҳар бир киши қалбидан чуқур жой олган. Нишон туманидаги «Оқ олтин» фермерлар уюшмасида ишловчи Мамазоат Маматқўловга ўғлини чет элда даволатиши учун моддий ёрдам берилди.

«Обод маҳалла йили» муносабати билан жамиятда ишлаб кетган нафақахўрларни бир пийёла чой устида тўплаб, иззат-ҳурмат кўрсатдик. Фахрийларга корхона ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам уюштирилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасига 102 минг, вилоят ноғиронлар жамиятига 232 минг, кўзи ожиз болалар маҳсул мақтаб-интернатига 92 минг, Қарши шаҳар ноғиронлар жамиятига 75 минг, «Нуроний» ва «Болалар» жамғармаларига 300 минг сўм маблағ ажратилди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш давр талаби. Республикада ва вилоятдаги спорт мажмуаларини қўллаб-қувватлаш, футбол, теннис, от спорти клубларига 2 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилди. Қарши шаҳридаги 26-мактабни 821 минг сўм маблағ сарфлаб, таъмирлаб бердик.

Касаба уюшма ташкилотининг иш бериуви билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фаолият кўрсатётганлиги ходимлар моддий манфаатдорлигини яхшилаш, жамоада соғлом, маънавий муҳит яратиши таъминляпти.

Руйиддин ЮСУПОВ, «Қашқадар» ўғтсўтсавдо» очик ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси

### «Ишонч» фoш этади

Тезкор текширувлар давомида бундай ҳуқуқбузарликлар оз эмаслиги маълум

ёниги омборига айлантириб олганлиги маълум бўлди. Хондондан далилий ашё сифатида 200 литр дизел ёниги ва мойлар олинди. Қорақўл шаҳар Бухоро кўчасида истиқомат қилувчи Умид Бобутов эса ўз уйда яшин ёғ чехи ташкил этилди. Текширув ўтказилган кун ичедан редуктор, вал, генератор, қунжара далилий ашё сифатида олинди. Шофиркон туман Боғибафал қишлоғида истиқомат қилувчи Шохид Сафарова эса ўй шариотиди буханка но тийёрлаб, гузардаги дўкон орқали сотишни йўлга қўйиб юборган экан. Цех «фаолият»га солиқчиларнинг ҳушёрлиги билан нукта қўйилди. Шу тарихда ўтган ойларида Бухоро вилояти бўйича 34 та яширин цех тугатилди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарларнинг ўзлари қўнмакта тўшмоқда. Қанчадан-қанча маблағ ва вақт сарфлаб олиб келинган ускуналар мусодара қилинляпти, ноқонуний цех эгалари эса жаримага тортиляпти. Зора қўрилган чоралар бошқаларга сабоқ бўлса.

Ж.ФОЗИЛОВ

Очиғи, битта дўконда булчи қоидабузарликлар шунчи мумкинлигини ҳаёлга ҳам келтириш қийин. Ф.Хўжаев тумани Наврўз қўчасида жойлашган «Шахноза» дўкони четдан қараган кишига бинойидек кўринади. Замонавий усулда қўрилган, ойнаванд, сержил... Дўконнинг бир томонида халқ истеъмоли моллари билан савдо қилнаётган бўлса, иккинчи томонида дори-дармонлар, Опа-сингил сотувчилар Дилором ва Зиёда Мавлоноваларнинг қўли-қўлига тегайди. Дўконга кириб чиқётган харидорларнинг кети узилмайди. Лекин неғадир назорат-касса машинаси кўринмасди. Ваҳоланки, савдо залига эга бўлган ҳар бир дўконда у албатта бўлиши керак. Машина йўқлиги учун ҳам харидор Фаррух Каримов харид қилган 1700 сўмлик маҳсулот учун ҳақ тўлади-ю, лекин чек ололмади. Дўкон ҳазинасидаги нақд пул тўшумлари саноқдан ўтказилганида 3225 сўм чиқди. Шу пуллар кун давомида йирилганлигини ҳеч ким исботлаб бера олмади. НКМ бўлганда кириб қўрилган сума очик-ойдин кўриниб турарди.

Солиқчилар текширувни давлод эттириб, 53 турдаги 314,4 минг сўмлик, шу жумладан, 114,3 минг сўмлик хорижий маҳсулотларининг, 174,2 минг сўмлик чет эл

нинг дўкониди 193,7 минг сўмлик, Г. Норованинг дўкониди эса 73 минг сўмлик кириб қўрилган маҳсулотлар савдога қўйилганди. Ҳеч қаерда қайд этилмаган дас-

## КИРИМ ҚИЛИНМАГАН МОЛЛАР ВА ПУЛЛАР...

сирни очди

та-даста пуллар тўғрисида гапирмас ҳам бўлади. Бозор ўртасига ўрнатилган контейнерда спиртли ичимликлар билан Гулноза Пулатова савдо қиларди. У 243 минг 400 сўмлик акция маркази, сифат сертификатисиз арокларни контейнерга жойлаб қўйган эди. 20 минг сўмликнинг сотишга улғурибди ҳам. Солиқчилар дарҳол истеъмолга яқин спиртли ичимликларни далилий ашё сифатида олдлар. Давлат рўйхатида ўтмай, солиқ инспекциясидан қайд тўғўнома-си олмаб, спиртли ичимликлар сотиш учун махсус лицензияга эга бўлмай туриб тадбиркорликнинг бундай тури билан шуғулланиш ман этилганлигини Гулнозага тушунтирдилар.

Хусусий тадбиркорлар Жаҳон Хамидов билан Гулчехра Норовага тегишли бўлган дўконлар ёнма-ён жойлашган. Хар иккаласида ҳам назорат-касса машинаси ўрнатилмаган. Боз устига Ж. Ҳамидов-

Анджонни Фаргона водийсининг гавҳари десалар, Асака туманининг дуру-жавоҳирга менгаш жоиз. Шарбатлари чак-чак томаётган узуму анжирлардан тотинсангиз, билинги, бу кужгонлик соҳибкорларнинг боғларида етиштирилган мевалар. Анджон бозорларининг «гули» бўлган, тилими тилини ёрадиган қовуну тарвузлардан емабсиз, дунёга келмабсиз. Асакалик полизчи деҳқонларнинг хосили ана шундай оғзингизни канду асалга тўлдирди. Хорижий меҳмонларнинг қўзларини ўйнатаётган зардузулар либослар, хонадонингизни чўгдек беэган мебеллар, қандиллар, полослар асакалик хунармандлар меҳнатининг махсули.

## ҚУТ-БАРАКА ЭНГ АВАЛО ЭЛДА БЎЛСИН

хатна тўйларини ўтказиш, маҳаллаларини ободонлаштириш, йўл ва кўприк қилиш каби совобли юмушлар беш-қош. Унга қарашли савдо дўконларида озиқ-овқат маҳсулотлари бозордагидан арзон нархда сотилади. «Ниёзбон» кишлоғида Наргизахон Тожибоева хунармандлар сулоласидан. Ҳозирда уй бекалари ва маҳалла қизларини хусусий корхона очган. Тиллакорини шарқ дўпчилари, аёлларнинг нимчалари, эркакларнинг тўй сарполари Тошкент, Фаргона бозорларида қўлма-қўл. Тошпепалик Фуровларнинг болобари ўтмишда бир парча томорқага зор бўлиб ўтишган. Бугун набири Файратбек Фофуров «Саховат» фермер хўжалигига бошчилик қилади. Ихтиёридаги 50 йил муддатга берилган ижарадаги экинзорда пахта, бугдой етиштирилади. Узидан ортган маҳсулотларни кам даромадли оилалар, етим-есирларнинг ижтимоий химога муҳтож қатламлари билан баҳам қўришга оdatланган.

Хориж сармоясини кириб келиши билан Асака санаяти, ишлаб чиқариши, гуркираб ривожланмоқда. Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги меваси «Узросмотор» қўшма корхонаси вужудга келди. Қўшимча ёрдамчи бичилар туман кўркини очиб юборди. Деҳқонларнинг оғир-енгил бўлди. Кишлоқ хўжалик машиналарининг дивагетеллари, жумладан, эвтиёт кимслар ишлаб чиқариляпти. Муҳими, асакаликлар замонавий дастгоҳларни бошқариши

## Истиқлол берган имкон

ўлаштириляптилар. «Ўздеоингра» қўшма корхонаси югославиялик ишбилармонлар кўмагида қурилди. Корхона маҳсулотлари рагил ойналарга тушаётган буюртмалар кун-сайин кўпаймоқда. Натижада туманда хорижий валюта захираси ҳамда қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Янги дастгоҳлар хисобига ишлаб чиқариш кенгайди. Асосийи, маош, салмоғи ошди.

Шу йўл билан кейинги йилларда қўшимча 2346 та янги иш ўринлари яратилди.

Аҳоли турмуши даражасидаги ўзгаришлар қувватланди. Мустақиллик йилларида 7 та ўрта умумтаълим мактаблари тикланди. «Ахтари» маҳалласидаги 7-ўрта мактаб жамоасининг боши осмонда. 46 минг 651,9 АҚШ доллари миқдоридagi Япония грантига сазовор бўлган жамоанинг орозулари ушланган. Мактаб 37 турдаги замонавий ўқув қуроллари билан янгиликдан жиҳозланди. Ўқувчилар масофадан туриб ўқитиладиган компьютерлашган синфхоналарида билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Ошхона, устакхона, кинозал, кутубхона, спорт зали болалар хизматида. Бу ердан туриб хориждаги исталган мактабдошлар билан мулоқотга киришиш мумкин. Инглиз тили муаллими Муроджон Иброҳимов америкалик ҳамкасблар тажрибасидан баҳраманд бўлиб қайтган моҳир устозлардан. Қайтишда АҚШ ҳукуматининг 2000 долларлик услубий қўлланмалари ҳамда компьютер билан қайтиди.

Туман марказий шифохонаси ҳузурда янги очилган «Шошлинч тиббий ёрдам» маркази халқ саломатлигини сақлашдаги гамхўрликнинг яна бир кўринишидир. «Истиқлол», «Бахрин», «Файзобод» маҳаллаларида кундузи қатнаб даволандиган кишлоқ врачлик пунктлари очилди. Тўғруқ ёшидаги оналар, никоҳга тайёрланаётган қизлар малакали шифокорлар кўригидан ўтиш билан

## Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашига шу йилнинг 12 май куни фуқаро Фарид Комова ва «Алоқатамиртаъминот» корхонасининг бир гуруҳ ходимлари томонидан ариза келиб тушди. Унда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари поймол қилинганлиги қайд этилган эди.

Шикоят хати Кенгашнинг ҳуқуқий ишлар бўлими томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва унда кўрсатилган барча ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Натижада вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аралашуви билан ишчиларга ҳақ тўлаш учун «Алоқабанк»дан 1,6 миллион сўм маблағ олиб берилди.

Аммо... Ана шу «аммо»нинг борлигидан афсусланасан киши. Негаки анчагина сай-ҳаракатлар билан ундирилган иш ҳақи ходимларга тارقатилмай қолди. Бу ишга масъул бўлган раҳбарлар эса «Туя кўрдингми йўқ»дан нарига ўтишмади. Ҳатто,

## ИШЧИ ҲАҚ ЭДИ

шу боис унга тегишли маблағ ундириб берилди

барча воқеалардан баҳордор вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Ашурали Даминов ҳам сукут сақлашни ўзига эп билди. Ўзининг ҳақлигига, адолат барибир тантана қилишига ишонган Фарид Комова Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасига шикоят хати билан мурожаат қилди. Марказий кўмита бош ҳуқуқшуноси А.Аҳмедов томонидан шикоят хати қонун доирасида ўрганилганида, «Алоқатамиртаъминот» филиалини тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнида меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибларга риоя қилинмаганлиги аниқланди. Жумладан, ходимларнинг иш ҳақи ва жамоа шартно-

масида кўзда тутилган имтиёзли тўловлардан қарздорлик 1 миллион 108 минг 899 сўмини ташкил этганлиги маълум бўлди.

Марказий кўмита ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аралашуви билан адолат қарор топди. Меҳнат Кодексининг 111-, 112-ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-20 моддаларига мувофиқ «Алоқатамиртаъминот» филиали собиқ ходимларининг иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорликни бартараф этилиши белгиланди. Ф.Комовани аввалги вазифасига тенг бўлган иш билан таъминлаш тўғрисида «Сурхондарё-телеком» филиали бошлиғининг буйруғи чиқарилди. Унда ходимга белгиланган тартибда ўртача иш ҳақига тенг компенсация пули тўланиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Кишлоқда ўтказилди

49 минг нафар аҳоли истикомат қиладиган Мирзачўл туманида 27,4 минг нафар киши ишга яроқли ҳисобланади. Бугунги кунда 25 минг 841 нафар киши доимий иш билан банд.

Шу боис меҳнат ва аҳоли иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш туман бўлими бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Гагарин шаҳрининг «Ержар» маҳалласида ўтказилган меҳнат бозорида тумандаги 15 та корхона ва ташкилотлар 117 та иш ўринлари билан қатнашди. Туман халқ таълими бўлими, марказий шифохона, 21-автокорхона, Абай хўжалиги каби жамоалар шулар жумласидандир.

Меҳнат ярмаркасида 21 нафар киши доимий иш билан таъминланди. 11 нафар ишсиз «Орзу» хусусий фирмасида касб тайёргарлигини ўтайдиган бўлди. 25 нафар киши ҳақ тўлабди қилиб жамоат ишига жалб этилди.

— Ҳозиргача туманимизда 3 марта меҳнат ярмаркаси ўтказдик, - дейди бўлим бошлиғи Ж.Эшмуродов. - Йил охиригача яна 2 марта шундай тадбир ўтказмоқчимиз.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Кредит қилки ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бундай молиявий тадбирлар кишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада жаддалаштириш имкониятини яратди.

## «ПАХТАБАНК» КРЕДИТИ ҲИСОБИГА ЯНГИ ИШ ҲАҚИ

Шу боис Муборак туманида қарз бериш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш эътиборда турибди. Акционерлик тижорат «Пахтабанк» туман бўлими бошқарувчиси Рустам Аминовни «Нарзулло ота» фермер хўжалиги даласида учратдик.

- Кичик ва ўрта бизнес бозор иқтисодиётининг таянч нуқтаси ҳисобланади, - дейди раҳбар. - Аҳоли бандлигини таъминлаш ва мавжуд ресурслар орқали тадбиркорларга қарз ажратиш масаласи билан доимий шуғулланаямиз.

Мазкур банкдан 11 миллион сўмлик кредит билан қўллаб-қувватланган «Нарзулло ота» фермер хўжалиги лизинг шартномаси орқали «ТТЗ-100» русумли трактори сотиб олди. Банк бошлиғи далани ларзага келтириб ишлаб таъминлаш техникаси кузатар экан, берилган қарзининг бегойда кетмаганлигидан қониқиб ҳосил қилди.

Ҳа, пахтачилик, галчалчилик ва агросаноат мажмуининг бошқа тармоқлари ривожланишида банк ходимларининг муносиб ҳисоси бор. Хусусан, банкнинг қўллаб-қувватлаши натижасида туман галлакорлари 22 минг тоннадан зиёд сара дон йиғиштириб олиб, шартномавий режани вилоятда биринчилар қаторида бажардилар. Қўлга киритилган ютуқларга фермерлар катта улуш қўшдилар.

Айни пайтда бўлим 280 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига намунали хизмат кўрсатаётти. Улардан 220 таси фермер, 50 га яқини деҳқон хўжалиқларидир. Жорий йилнинг ўтган даврида ишбилармонларга 82 миллион сўмлик қарз берилиб, 120 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари ҳамда ҳукуматимиз қарорлари дастуруламан бўлиб хизмат қилмоқда, - дея сўхбатни давом эттирди Р.Аминов. Шу муҳим ҳужжатларга асосланиб, тадбиркорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаёмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган қарорларига асосан фермерларга 61 миллион сўм кредит берилди. Бунинг эвазига «Нарзулло ота», «Жейнов», «Эхсон», «Инат ота», «Сара» фермер хўжалиқлари лизинг хизмати орқали турли русумдаги техника воситалари сотиб олдилар. Натижада фермер хўжалиқларида маҳсулот етиштириш икки баробарга кўпайди. Юздан ортиқ ишчи ўринлари вужудга келди. Айни чоғда ерга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиб, мулкдор сифатида шаклланган тадбиркорлар олинган қарзни ўз вақтида қайтариш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

## ТЕЖАЛГАНИ - НАҚД ФОЙДА

Мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиздаги «TOSHKENT ZENNER» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳам мазкур йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ташкил этилганга 100 йилдан ошган «ZENNER» компанияси бугунги кунда дунёнинг қирққа яқин давлатида ўз корхонасига эга. Маҳсулотини эса 70 дан зиёд мамлакатга экспорт қилади.

Йилга 120 минг донда сув ўлчагич ишлаб чиқариш қувватига эга «TOSHKENT ZENNER» қўшма корхонаси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жамоада саксонга яқин киши меҳнат қилади.

Пойтахтимиздаги «Сувсоз» унитар корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган қўшма корхона ўз фаолият доирасини янада кенгайтирди. Хусусан, жамоа нафақат сув хисоблагичларини ишлаб чиқариш, балки уларни жойларда ўрнатиб бериш ишларини ҳам амалга оширмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда 12 минг сув хисоблагич ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу рақам салкам икки баравар ошди. Жорий йилнинг ўтган етти ойида 18 мингта шундай асбоб ишлаб чиқарилиб, 15 мингтаси жойларда корхона бригадалари томонидан ўрнатиб берилди.

Жорий йилда корхона жамоаси 50 мингга газ ўлчагич ҳам ишлаб чиқарди.



«ЗИЛОЛА»НИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

Тиббиёт коллежи талабалари янги ўқув йилини янги бинода бошлади. Икки минг нафардан ортиқ талаба ҳамширалик, акушерлик, фармацевтика, диагностика бўлиmlарининг барча қўлайликларга эга бўлган синфхоналарида билим олади. Байрам кунлари икки ярим гектар майдондаги спорт мажмуи ҳам фойдаланишга топширилди.

900 ўқувчига мўлжалланган бу замонавий мухташам бинони «Зилола пойдевори» ишлаб чиқариш корхонаси курувчилари бунёд этди.

Коллежнинг очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев яштароқ этди.

Ўзингникига НИМА ЕТСИН!

Пойтахтимизда бундан салкам уч йил муқаддам Туркиянинг машҳур «Отасамати» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Осиб батарея» қўшма корхонасида барча бутловчи кимсларни шу ернинг ўзига тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда ҳамма турдаги транспорт воситалари учун аккумулятор батареяси ишлаб чиқариляпти. Қўшма корхонанинг нисбатан арзон маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

(ЎЗА)



Республикаимизда тадбиркорлик кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида улар йил сайин ривожланиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Қўқон шаҳридаги кўп тармоқли «Сифат» савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига қарашли «Сифат-ота» бичиш-тиқиш цехи ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур жамоада айни пайтда 31 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар барча буюртмаларни ўз вақтида сифатли бажаришяпти.

Суратларда: ишлаб чиқариш цехида.

Ф.ХИДИРОВ олган суратлар

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗЙДИ

Истиқлол байрами кунлари пойтахтимизнинг Мойкўрғон мавзёида Тошкент банк коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонла мазкур билим олишлари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан муста-

қиллик йилларида таълим соҳасида мутлақо янгича тизим - ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими жорий этилди. Бу умумий ўрта ва олий таълимни ўзaro боғлаб турувчи муҳим бўлигидир.

Коллеж замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер синфхоналари, кутубхона, спорт мажмуи, анжуманлар зали, ётоқхона, ошхона билан таъминланган.

(ЎЗА)

## КОНТРАБАНДАННИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛМОҚДА

(Боши 1-бетда)

Бундай «тадбиркорлар», биринчидан, белгиланган божхона тўловларидан бўйин товлаб, иқтисодиётимизга зиён етказса, иккинчидан, руҳсат этилмаган сифатсиз маҳсулотларни келтириб, аҳоли саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Бугунги кунда бозорларда савдо қилаётган хусусий тадбиркорлардан товарларнинг расман олиб келинганлиги ҳақидаги ҳужжат ҳамда сифат сертификатлари талаб қилинаётгани қонуний фаолият юритиб тадбиркорлар, қолаверса, бозорни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Хоразм вилояти Урганч туманида иш юритиб тадбиркор хусусий тадбиркор Б.Рўзиевнинг фаолияти текширилганда, у ноқонуний товар айланмасини амалга оширгани учун аввал ҳам жиноий жавобгарликка тортилганига қарамай, яна эски «касб»нинг давом этираётгани аниқланди. 33 ишлаб сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширган бу шахсдан товарларнинг божхонада расмийлаштирилган ҳужжатлари сўралганда, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг ходимларига тайинли жавоб бера олмади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан шу йўналишдаги тегишли текозкорлик, қолларни маъмурий муқомада. Бундай тадбирлар мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган товарлар ва улар кириб келишга яширин йўлларни аниқлаш, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, ноқонуний фаолият юритиш ҳолатларини фош этиш ҳамда олиб қўйилган товарлар сотувидан тушган пул маблағларини давлат бюджетига тўлиқ ўтказишни таъминлашга қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида 6,5 мингга яқин ҳуқуқбузарлик аниқланди, - деди департамент масъул ходими А.Эргашев ўза муҳбирига. - Тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган 6,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. Улардан 4,5 миллиард сўмлик давлат хисобига ўтказилди. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан қонунга зид ҳужжатларнинг миқти яқин жиноят иши қўзғатилиб, қолганлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фаргона вилоят прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида ҳам яна бир ана шундай қонунбузар-

лик аниқланди. Шу йил июл ойида Қирғизистон Республикаси фуқароси Б.Ураимов фуқаро А.Мирзоев билан «КАМАС» русумли автомашинада божхона назорат масканини айланиб ўтиб, божхона ҳужжатлари ва сифат сертификатли бўлмаган 40 миллион сўмликдан зиёд 183 турдаги товарни мамлакатимизга олиб кириб, Қўқон шаҳар Афғонбўғ кишлоғида яшовчи фуқаро Ш.Давидхўжаевнинг уйига тушираётганида қўлга тушди.

Навоий вилоят прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси йўл патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир натижасида М.Қурбонов бошқарувидаги «Мерседес-Бенц» русумли автомашина тўхталиб текширилганда, юкюнасида хусусий тадбиркор И.Примова тегиш-

Жиззах шаҳрининг бош майдонига фавворалар қурилганда сўнг, унинг кўринишига эмас, балки мазмуни ҳам ўзгартиб кетди. Илгари давлат идораларига иши тушган одамларгина келиб кетадиган бу жой шаҳар аҳли ва меҳмонларнинг сеvimли масканига айланди. Узунлиги 48 метр, эни олти метрлик икки фаввора, ҳақиқатан ҳам, жуда мафтункор.

## ЖИЗЗАХ ФАВВОРАЛАРИ

Бу ишнинг ташаббускори бўлган вилоят ҳокимлиги, аввало, шаҳар аҳолисининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини хисобга олганини учун гўзаллик чинакам маданий бойликка айналди. Салкам бир гектар майдонда барпо этилган «Ором» фавворалар мажмуида бўлган киши бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Катталиги жиҳатидан ҳам, ўзига хос меъморий ечими билан ҳам бу мажмуа чиндан ҳам ҳавас қилгудек. 25 метр баландликдан тушаётган зилот сув томчиларида камалаклар жилва қилади. Зумрад томчилар сув дунёда фақат триклик манба эмас, гўзаллигини, мусофидолигини ҳам ибтидоиси эканини ёдга солади.

Жиззахнинг иссиқ iklimида сувнинг қадри балинд. Фавворалар атрофининг гажумлигида бу омининг ҳам ўрни бор, албатта. Кейинги йилларда қуриляётган янги ишхоналар лойиҳаларидан фаввораларга кенг эътибор берилганнинг босиш билан шунда. Утган йили қурилган «Боғишмол» дам олиш масканида ҳам, яқинда фойдаланишга топширилган «Истиқлол» болалар боғида ҳам фавворалар бу ишхоналарнинг асосий таркибий қисмини ташкил этади.

Мустақиллик байрами арафасида ишга тушган Жиззах санъат коллежи ҳолисисида ҳам фавворалар мажмуаси бунёд этилдики, бу ўқув юртига янада гўзаллик бағишлади.

(ЎЗА)

Тадбиркорлар, сизлар учун!

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони йил сайин ошиб бормоқда.

100 фоизи миқдорда жарима солинида ва республика бюджетига ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори таллабларида кўрсатилишича:

Давлат солиқ қўмитаси маъмурий амалиётини ташкил этиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи Сайфулла Алиев билан жамоатчи мухбиримиз Жасур Носиров сўхбати тадбиркорлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида борди.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛИБ, БУРЧИНГИЗНИ УНУТМАНГ

— Тадбиркорлар айни пайтда солиқ тўловчи бўлганликларини учун ҳам улар фаолияти назорат остига олинган, — дейди сўхбатдошимиз. — Солиқ хизмати томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи айрим шахслар қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва манфаатлардан фойдаланяптилар, лекин ўзларига юклатилган мажбуриятлар, яъни амалдаги қонун ҳужжатлари талабига етарлича эътибор бермаётдилар.

оширувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини яшириш ҳоллари аниқланган тақдирда уларга яширилган нақд пул тушуми миқдориде жарима солинида; — белгиланган савдо қилиш қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган ва нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида топширилмаган ҳолларда шахарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдирномасига кўра чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини бир ойгача мuddатга тўхтатиб қўяди. Қондабузарлик такроран содир этилган тақдирда эса рухсатнома бекор қилинади.

Қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. Шу боис солиқ қонунчилиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чораларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде: — турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини назорат-касса машиналари қўллангани, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда қвтанцияларнинг кўчирмасини, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар бермасдан (бундай ҳужжатларни ёзиш ёки бериш мажбурий бўлган тақдирда) амалга оширувчи юридик шахслардан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 дан 200 барваригача миқдорда жарима солинида.

Хозирда қонунбузарлик кўп ҳолларда назорат-касса машиналаридан фойдаланишда учрамоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори талабларига кўра:

Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан: — вино-ароқ маҳсулотлари билан бартер операцияларида қатнашувчи ҳужжатли юритувчи субъектларга битишув суммасининг

савдо-сотикни ва хизматлар кўрсатишни назорат-касса машиналари қўлламасдан ёки Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича қвтанциялар ёзмасдан, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар бермасдан (бундай ҳужжатларни ёзиш ёки бериш мажбурий бўлган тақдирда) амалга оширувчи юридик шахслардан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100

ИККИНЧИ СМЕНА

«Омад» акциядорлик жамияти қошида барпо этилган «Жондормаҳсулот» корхонаси акцияларининг 75 фоизини Россиянинг «Петросоюз» молия-саноат гуруҳи сотиб олгандан кейин кетчуп ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайди.

Россиялик сармоядорларни бу ерда етиштириладиган памидорларда қанд миқдорининг кўплиги жалб этди. Айни кунда корхонада иш икки сменада ташкил этилган. Бундан ташқари, 200 та янги иш ўринлари барпо этилди. Қўшма корхона ақин келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни кўзламоқда. Бунинг учун чеклар буткул қайта таъмирланиб, эски ускуналар ўрнига 300 миң долларлик замонавий линиялар ўрнатилиши кўзда тутилади.

«МАНГУНУР»НИНГ ХАЙРЛИ ЮМУШИ

«Мангунур» фермер ҳўжалиги кейинги уч ой ичиде 70 тоннадан зиёд полив ва сазвонот маҳсулотларини етиштирди. Унинг асосий қисми экспортга юборилди.

Ҳўжалик Вобкент туманидаги энг илғор жамоалардан бири ҳисобланади. Ишчи кучи етишмаслигидан ёзги йиғим-терим даврида ҳўжалик раҳбарияти шартнома асосида 37-мактабнинг юкори синфлари ўқувчиларини ишга жалб қилди. Мактаб ўқувчилари шартблат ва мураббийлар тайёрловчи чекда ишлашди. Улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар туман мактаблари умумий оқватлашиш тармоқларига юборилди.

Фермер ҳўжалиги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлади. Шунингдек, фермер ҳўжалиги ташаббуси билан аёлчи ўқувчилар учун иккита стипендия таъсис этилди.

«Туркистон-пресс»



МИЛИЦИЈА ВА МАХАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманида урта янги ижтимоий объект фойдаланишга топширилди. Кўргонтепа қишлоғида врачлик пункти очилди. Бу ерда умумий таҳсис, терапия, жарроҳлик, гинекология, стоматология кабинетлари бор.

ИНШОТ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ф.Узоқов номи фермерлар бирлашмасидеги 450 ўқувчига мўлжалланган янги қишлоқ ҳўжалиги коллежи жорий ўқув йилдада ўз фаолиятини бошлади. Тантанали очилиш маросимиде иштирок этган фермерлар бирлашмаси ва қўшни туман ширкат ҳўжаликлари вакиллари, оксқоллар, ҳрқимликлар ва вилоят идоралари раҳбарлари коллеж аудиториялари, компьютер синфлари, спорт ва мажлис залларини томоша қилдилар.

«ОЙМЕКСТИЛ» ИПЛАРИ

Анджон вилояти Жалақуд тумани Ойим қишлоғида «Оймекстил» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси очилди. Қўшма корхона бир йилда катта миқдорда қалава ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Мамурий ва ишлаб чиқариш бинолари, Хонободдаги 1-қурилиш-монтаж участкаси, 40-максус кўма қурилиш қолончаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси, бошқа ташкилотлар усталари томонидан бунёд этилди.

Замонавий юкори технологик ускуналар Германия ва Швейцариядан келган мутахассислар ёрдамида ўрнатилади. Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг катта қисмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

УЗА

ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдориде жарима ундирилади; — турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларга нақд пул тушуми яширилиши ҳолати аниқланган тақдирда яширилган нақд пул тушуми миқдориде белгиланган тартибда жарима ун-

юбориш, ҳисоб варақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ўлчамдаги ер майдонларидан фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликлар учун давлат солиқ идорасининг қарорига биноан солиқ тўловчига нисбатан Солиқ Кодексининг 135-моддасида назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Солиқ Кодекси-



нинг 132-моддаси талабларига кўра юкорида қайд этилган ҳолатлар аниқланганда солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўлови маъмурий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 264-моддасида солиқ соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳуқуқи берилган.

Башарти ишни кўриб чиқиш пайтида ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келинса, материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш департаменти бевосита прокуратура органларига топширилади.

Бундай нохуш ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун ҳар бир тадбиркор, ҳар бир тижоратчи ўз қонуний бурчи ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етиши ҳамда амал қилиши лозим. Бунинг учун эса иқтисодий, ҳуқуқий билимларини тинмай ошириб бориш керак бўлади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: барча ходимлар билан, яъни ишга кирувчилар ва муассасада 10-20 йилдан буён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Ф. АБДУРАСУЛОВА тиббиёт ходими, Бўхоро шаҳри

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан 1993

Амалдаги қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Кўп йиллардан буён (1993 йилнинг 3-декабригача ишга кирган) бир муассасада ишлаб келаётган ходимлар билан меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш керакми? деган савол туғилиши мумкин. Агар ҳодим 1993 йилнинг 3-декабрига қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий Суд Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиши фақат ўша ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Меҳнат Кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян мuddатга (мuddатсиз) беш йилдан ортиқ бўлмаган мuddатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Ходимлар билан мuddатли меҳнат шартномаси тузишда Меҳнат Кодексининг 76-моддасига тўлиқ амал қилинмоғи зарур. Мuddатли меҳнат шартномалари:

- бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян мuddатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда; - корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, корхонада бош ҳисобчи лавозимни бўлмаган тақдирда эса, уни вазифасини бажарувчи ходим билан;

Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг мuddатлари иш давомида ходимнинг розилиги билан

«СЕМУРГ-2003»

Шу йилнинг 4-10 сентябр кунларида Тошкент вилоятининг Солиқ қўргонидеги оромгоҳда «Семург-2003» халқаро ёшларнинг анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбирни Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти уюштирди.


Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти миллий кенгашидан «Туркистон-пресс»га маълум қилишларича, унда республикаимизнинг барча худудларидан эллик нафар жамиятнинг фаол кўнгилчилари, шунингдек, Швейцария ва халқаро Қизил Хоч қўмитаси ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари халқаро федерацияси вакиллари иштирок этди.

Ушбу анжуманининг асосий мақсади, кўнгилчиларни мазкур ташкилот ишларига алоқадор фаолиятга ўқитиш, ўзаро тажриба алмашиш, янги технология ва услубларни ўрганишдан иборат. Оромгоҳдаги машғулотлар кичик гуруҳларда ўтказилиб, иштирокчилар маърузалар пайтида ўрганган илмларини амалда синаб кўришди. Ҳар бир кун маълум бир мавзуга бағишланади. Ёшлар ташкилотларининг тақдироти, кўнгилчилар ва уларнинг етакчилари фаолияти, ОИТС касаллигига қалинганларга толерант муносабат, гийҳванонлик ва силга қарши курашиш, инсонпарварлик ёғларини ёйиш мавзулари шулар жумласидандир.

Кенгайтирилган дастурда энг яхши лойиҳа ва дастурлар танлови кўзда тутилади. Анжуманининг хорижий иштирокчилари эса Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан танишди.

Ёшларнинг бундай тадбирлари аниҳна тусига кириб, кўпгина мамлакатларда ўтказилмоқда. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари федерацияси бугунги кунда 97 миллион кўнгилчиларни, 190 мамлакатдаги миллий жамиятлар аъзоларини ўзида бirlаштиради. Улар ўз фаолиятини ҳарақатининг етти тамойилига суяниб иш юритади. Булар, инсонпарварлик, қўрқмаслик, ҳолислик, мустақиллик, кўнгилчилик, бирлик ва умумийлик тамойилларидир.

«Туркистон-пресс»



МИЛИЦИЈА ВА МАХАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Қарши тумани вилоятдаги тўнғич худудлардан бўлиб, бу ерда 177 миң нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Халқ осойишталигини таъминлашда туман ички ишлар бўлими вакиллари маҳалла оксқоллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганликлари боис туманда жиноятлар камайишига эришилди.

Жойларда қуриладиган милиция таянч пунктлари ходимларимиз учун янада яхшироқ ишлаш имконини бермоқда, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Воҳид Абдуллоев. — Хусусан, кейинги пайтда «Ипак йули» ҳўжалигидеги Чўлбустон, «Намуна» ҳўжалигидеги Қоратепе, Собир Раҳимов номи ҳўжалик худудидеги Қожор қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган вакилларимиз замонавий усулда қурилган биноларга эга бўдилар.

Чўнони, Ертепа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Тол» маҳалла фуқаролар йиғини биноси тадбиркор Азамат Назаров маблаг ҳисобидан қурилганлиги барчани қувонтирди. 26 миң аҳоли истиқомат қилаётган Ертепада 5 та маҳалла бўлиб, қишлоқларни ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шамсиддин Қодировнинг таъкидлашича, янги қурилган бинода милиция таянч пунктдан ташқари, посдон, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси, педагогтарбиячи унчонаналар акратилган, шунингдек, аҳолига маъийий хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Бу эса аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда.

Амалга ошириладиган кундалик юмушлар ҳам кўзни қувонтиради. Хусусан, аҳоли хонадонларига газ улчаш ускуналари ўрнатиш жадаллик билан олиб бориляпти. Бугунгача 500 дан ортиқ хонадонда ана шундай ус-

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

**XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ҳаракатининг энг фаол вакилларидан бири Абдулла Авлонийдир. У таникли олим, шоир, журналист, драматург ва жамоат арбоби эди. «Туркий Гулстон ёхуд ахлоқ» китоби Абдулла Авлоний ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Муаллиф асарда болаларни инсоний фазилатларни эгаллашга, ахлоқли, илмли бўлишга даъват этади.**

# Абдулла Авлоний ИЛМ – ДУНЁНИНГ ИЗЗАТИ

Абдулла Авлонийнинг инсон ҳулиқи ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайдиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган мулоҳазалардир. У ҳулқ хусусида тўхталар экан, шундай дейди: «Ахлоқ уламиси инсонларнинг ҳулқларини иккига бўлишлар: агар нафси тарбия топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлур «яхши ҳулқ», агар тарбиясиз ўсуб, ёмон ишлар ишлайдурган бўлур кетса, ёмонликга тавсиф бўлур «ёмон ҳулқ» деб аталур». Бу таърифдан сўнг Авлоний уларни бир неча гуруҳга бўлиб тасниф қилади. Яхши ҳулқларга матонат, динбат, назофат, гайрат, қаноат, шижоат, илм, сабр, интизом,

керакли нарсаларни ўрганмакни айтулур. Илм дунёнинг иззати... Илм инсон учун гоё олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳолимиз, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатар. Зехимизни, фикримизни қиличи каби ўткур қилур. Савобни гу-

ноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан ажуроб берур. Тўғри йўлга раҳнамоллик қилур, дунё ва охирада маъсул бўлишларига сабаб бўлур... Илмнинг фойдаси шу қадар кўпдирки, таъриф қилурон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни илм, жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши ҳулқ ва адаб соҳибни қилур...»  
Абдулла Авлонийнинг сабр, қаноат, виждон, ҳаё ҳақидаги

## Ҳазина

Ҳақидаги қарашлари «Ҳифзи лисон» мақолатида баён этилган бўлиб, муаллиф дастлаб мақолатнинг номига тўхталарди ва шундай дейди: «Ҳифзи лисон деб ҳар бир латининг руҳини йўқотмакдур». Муаллиф Ҳифзи лисон (тилни асраш) тўғрисида фикр юритар экан, тил билан нутқни бир-биридан фарқлайди. Кишилар ҳар доим ўз сўзлари, нутқларига эътибор билан қарашлари зарурлигини яна бир бор уқутириб ўтади:  
Абдулла Авлонийнинг фалоний доираси юқорида қайд этилганидек, ниятда кенг. Аммо ўқитувчилик касбига ўзгача меҳр билан муносабатда эди. Ташкентдаги Ҳарбий мактабда, Ўрта Осиё Давлат Университетини ташкил қилур дурс берди. Ташкентдаги Ҳақ тавлими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтини Абдулла Авлоний номи билан аталарди ҳам устозга бўлган беадаб ҳурмат-эҳтиром белгисидир.


## Рангтасвир

Суратда қадимий обидлар, урф-одатлар, Турон пойтахти Афросиёб, қадимги Самарқанд манзараси ҳам жонланган. Бу жойлар Турон подшоҳи Афросиёб номи билан аталиб келинган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»-сидаги достонлардан бири «Сиевш» деб аталади. Сиевш баҳор Рустамнинг шоғирларидан бири, Эрон шоҳининг қўрқмас, пахлавон бўлиб, унда муаввирлар Аслиддин Исаев, Нуриддин Калонов ва ҳайкалтарош Тулаган Ерқуловнинг «Муҳаббат» туркум асарлари яхлит тасвирларга арзигулик ижод намуналари ҳисобланади. Рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошликда пухта ўйлаб топилган юзлаб маззулар ва улардаги фалсафий фикрларнинг бир-бирига пайванд бўлиб, уларни кети-ети биринчи навбатда истеъдод, ҳаёлот /фантазия/ ҳамда тасаввир маҳлулидир.  
Бундан ташқари, Аслиддин Исаев «Бибиҳоним» асари билан аёллар мавзусини ёритишда ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш қилган. Бибиҳоним соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли аёли, шахзодалар тарбиячиси, умр йўлдошига маслаҳатқўй, вафодор ёр. Шу қирралар тасвирда ўз гоёвий мазмуни эга бўлган. Рассом Нуриддин Калонов «Бешик» рангтасвирда онани тумор илиғлиқ бешик ёнида тасвирлайди. Бунда мўтабар зотнинг хайратга сазовор қиёфаси мўжасам. Ҳайкалтарош Тулаган Ерқуловнинг эса юзга яқин мармуртошларда акс этган ичма ҳайкалтарошлик намуналари санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди. Узиға хос ҳикоя, ривоят, афсона ва ҳаёлот тасвирларда қуйилган.  
Олис мозийни тилга киритган истеъдодли тасвир усталари Ўзбекистон Бадий академиясининг қумуш медали билан мукофотланди. Уларнинг ишлари нафақат республикамизда, балки чет элларда ҳам машҳ-

# ТУРОННИНГ РУҲИ

**Самарқандлик мусаввир Аслиддин Исаевнинг «Туроннинг руҳи» рангтасвири олдида чуқур ҳаёлга ботиб, узок туриб қолдим. Қарийб уч минг йиллик тарих, Афросиёб ҳаробаларида кўмилган аждоғларимиз руҳлари қайта жонлангандай туюлди. Асарнинг қучли рамзийлик асосига қурилганлиги яққол кўриниб турибди. Рухлар бирма-бир бошларини кўтариб, ҳар томонга мамнун боқиб, шу кунги ҳаётимизни томоша қилишмоқда. Дарвоқе, бобо-момоларимиз ҳар сафар: «Биздан кейин қандай яшаётганларнинг биз кўролмасак, арвоқларимиз кўради» дейишарди. Демак, ижодкорнинг бой таҳаййули ўзиға хос бадий ранглари излаб топилди.**

Уч санъаткор ўтган йили АҚШда биргаликда шахсий кўргазма очиди. Нуриддин Калонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Аслиддин Исаев эса «Дўстлик» ордени нишондоридир.  
Аслиддин Исаев ижодида мансуб «Сумалак», «Аёллар», «Тўй», «Аждоғларимиз илдизлари», Нуриддин Калоновнинг «Орол», «Байрам», «Тўй», ҳайкалтарош Тулаган Ерқуловнинг «Муҳаббат» туркум асарлари яхлит тасвирларга арзигулик ижод намуналари ҳисобланади. Рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошликда пухта ўйлаб топилган юзлаб маззулар ва улардаги фалсафий фикрларнинг бир-бирига пайванд бўлиб, уларни кети-ети биринчи навбатда истеъдод, ҳаёлот /фантазия/ ҳамда тасаввир маҳлулидир.  
Бундан ташқари, Аслиддин Исаев «Бибиҳоним» асари билан аёллар мавзусини ёритишда ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш қилган. Бибиҳоним соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли аёли, шахзодалар тарбиячиси, умр йўлдошига маслаҳатқўй, вафодор ёр. Шу қирралар тасвирда ўз гоёвий мазмуни эга бўлган. Рассом Нуриддин Калонов «Бешик» рангтасвирда онани тумор илиғлиқ бешик ёнида тасвирлайди. Бунда мўтабар зотнинг хайратга сазовор қиёфаси мўжасам. Ҳайкалтарош Тулаган Ерқуловнинг эса юзга яқин мармуртошларда акс этган ичма ҳайкалтарошлик намуналари санъат муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди. Узиға хос ҳикоя, ривоят, афсона ва ҳаёлот тасвирларда қуйилган.  
Олис мозийни тилга киритган истеъдодли тасвир усталари Ўзбекистон Бадий академиясининг қумуш медали билан мукофотланди. Уларнинг ишлари нафақат республикамизда, балки чет элларда ҳам машҳ-



Истиқлол шарофати ила миллий ўлигимизни, Шарқона маданиятимизни қайтадан кашф эта бошладик. Муулмон олами-нинг буюк муҳаддиси, улуг аждоғимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳоқиқат масканда улугвор макбара ва масжидлар ташкил қилур, бутун дунёдан ташриф буюраётган зиёратчиларни лол қолдирадиган обод қадимго барпо этилди. Узиға хослиги шундаки, бу шарқона мажмуа миллий мейморчилигимиз ва ҳунармандчилигимизнинг юксак намунаси сифатида ўзини кўз-кўзлаб турибди. Зеро, халқ санъатини ривожлантиришга бўлган эътибор ўзидан нодир ва ўлмас ёдгорлик қолдиради.

## БАТАН ИЧРА БАТАН

Ўзбекистон Бадий академиясининг замонавий санъат марказида «Махалладан бошланар Ватан» мавзусида республика бадий кўргазма-танлови очилди.  
- Кўргазма Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳамда «Обод махалла йиллиги» бағишланади, деди санъатшунос Саида Илҳомова «Туркистон-пресс» муҳбирига. -Кўргазма-танлов ташкилотчилари Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий кўргазмалар дирекцияси ва Миллий Банк галереяси тўпламларидан ўрин олган 500га яқин рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари, шунингдек ўзбек рассомларининг танловга тақдим этган янги асарларини намойиш этишмоқда.  
Санъатшунос С.Илҳомованинг таъкидлашича кўргазмага республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона водийси вилоятлари, Хоразм ва Қорақалпоғистонда ижод қилаётган рассомларнинг асарлари қўйилган. Ўзбек тасвир санъатининг мумтоз вакиллари - П.Бенков, У.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Н.Қурзин, Р.Аҳмедов, Н.Қашина ва бошқаларнинг этюд ва картиналари кўргазмага алоҳида шуху бағишлайди.  
Ҳакамлар ҳайвати танловдан ўрин олган энг сара асарлар аниқлаб олишиб, 25 сентябр - кўргазма ниҳоясида қолдиларга совринлар топширадидилар.  
«Туркистон-пресс»

## Қадрият ОИЛА ВА НИКОХ «Авесто»да

**Никох ва оила муносабатлари азал-азалдан муқаддас ҳисобланган. Замонлар оша қонда ва мейорларни мукамаллашиб, тақомиллашиб борган. Таърихимизга назар ташласак, қадимда Марказий Осиё аҳолиси зардуштийлик, буддавийлик, моний, шомонийлик, насронийлик динларига эътиқод қилган ва бу динлар гоёвий жиҳатдан бир-бирдан фарқ қилса-да, уларнинг барчасида оила ва никох мустаҳкамлиги бирламчи шарт бўлиб қолаверган.**

Зардуштийлик дини бундан ўттиз аср муқаддам кўнча Турон заминиде вужудга келди. «Авесто» эса бу диннинг муқаддас китоби бўлиб, ҳозирга қадар «Авесто»нинг 4 та китоби етиб келган.  
«Авесто»нинг бизгача сақланиб қолган учинчи китоби «Виндедод»дир. Ушбу қонунлар мажмуаси бўлган китобда оилага муфассал тавсиф берилган. Унга кўра воёга етган ўғил-қизнинг турмуш қуришини таъминлаш ота-онанинг вазифаси ҳисобланган. Турмуш қураётган томонлар ўртасида ўзаро никох шартномаси тузилган. Уни бузиш қатъий таъқиқланган. Зардуштийликда кўп хотинлик ман этилган бўлиб, эр ёки хотиннинг бир-бирига хиёнат қилмас гуноҳ ҳисобланган. Бузуқ ёки фохша аёллар миллат қонининг бузилишига олиб келади деб, бундай эркак ва хотин ўлимига ҳукм қилинган.

Зардуштийлик динида насл қолдириш, шу йўл билан ушбу динга эътиқод қилувчиларнинг сонини ошириш яхши амаллардан бири саналган. Ҳаётини атайин буйдоқ ўтказиш қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдириши истамай, қасддан турмушга чикмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра қалтақланган. Зардуштийлик қонунлариға кўра зардуштий эркаклар ўн етти ёшда ўлиниш ҳуқуқиға эга бўлган. Агар эркак киши зурриёт қолдириш қобилиятиға эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамга босилиб, бадном қилиш мақсадида белиға занжир боғлаб юришға мажбур этилган.

«Авесто»да қайд қилинишича, эркак киши аввал уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлимоғи лозим. Бунинг учун эса тўйиб оқватланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчаларини бажара олмайди. «Еб-ичмайидан инсоннинг тоати-ободат қилишға ҳам қучи етмайди, соғлом фарзандларни дунёға келтиролмайди». Зардуштий тангри номидан ҳукмдорларға қарата бундай дейди: «Емон оқватланидиган халқ на яхши, қучи ишловчиларға ва на соғлом, бақувват болаларға эга бўлади. Емон оқватланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-қўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади».

Бундан ташқари «Авесто»да никох ва талоқнинг ўзиға хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган.  
Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларға кўра, жулмалдан иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчиликларға, ота-она билан қишқира олимаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишиға йўл қўйилмаган.

«Виндедод»да эркак киши ўз хотинини яхши озиқ-овқат, қийим-кечаклар билан таъминлаши, айниқса, ҳомилдорлик вақтида эҳтиёткорона муносабатда бўлиши таъқиқланган.

Ҳомилдор аёлнинг ўз ҳомиласини сунъий равишда тушириши ва унга қумаклашган кампир қаттиқ жазоланган. Зардуштий одатларға кўра туғилган қиз болага онаси, ўғил болага эса отаси ўлигидан ҳунар ўргатган. Қизлар тиқиш-бичиш, уй ишларида онасига қумакдош бўлишган. Ўғил болалар чорвани боқишға, ҳарбий билимларға ўргатилган.

Аънаналар ҳаёт сабоғидир. Улар асрлар қаъридан келатган нур бўлиб, халқимиз маънавиятини шакллантиришда ҳануз беминнат хизмат қилимоқда.

Дишлод КОМОЛОВ

**Андижон шахридаги 1-туғрук мажмуиға қадим ранжида қилган кишининг қалбига чўғ тушади. 5 гектар майдонни эгаллаган сиҳаттоҳда хашар йўли билан кенг қўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари кеча-ю кундуз давом этапти. Мақсад - жаҳон тиббиёт андозаларига мос ва хос оналар ва болалар сиҳаттоҳини барпо этиб, соғлом турмуш тарзини, соғлом оилани шакллантиришға хизмат қилиш.**

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СИҲАТГОҲИ

Мўжазига соябонча диққатимизни тортиди. Стол устидаги бир парча қартоға «шаб» деб ёзилган. Ёнида телефон. Уч-тўртта стуллар кўзга ташланади. Бошига рўмон ташлаган, одмигина кийилган аёл гуноҳ орқали ким биландир тортишарди:  
- Лойихадан чекинишға ҳақингиз йў! -Соқолға 2 миллиметри арматура қўшиб бетон қуясизлар, вассалом. Биласиз, давлат қабул комиссияси аъзосиман. Тоширишда иш-қалик чикса, бошингиз билан жавоб берасиз.  
Шу пайт, рўпарадан қурувчилар шёлёмини кийган қоржомли йигит ўтиб қолди. Аёл телефон гушанини елкаси билан маҳкам қисган ҳолда гап ўқиди:  
- Лабораториянинг туташ деворларида қоча назорат ўнмови ўтказди. Деворлар 5 сантиметр оғиб кетган, айниқса, сифатсиз сувоқ қилинган. Зарарни ўзларингиз тўлайсизлар! -Йигитнинг жавобини, қаршимиздан бетон қоршимаси қоқлаб ўтаётган «КРАЗ»нинг шоққини босиб кетди. Унинг орқали тўла сув билан «ВОДОВОЗ» ўтди. У қоршиға таъйёрлаётган бетончилар бригадасиға сув етказиб бераётганди.  
Унгу сўлдиға темир ҳавзолар орасида олов учқунлари чақнайди. Пайвандчилар қар-

## Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

нинг шаклланиши, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Акбарали Отахонов. Натияжада шаҳар ҳокимлиги ҳузуринда ҳоимларнинг оталик ёрдамчини мувофиқлаштирувчи қурилиш шتابи тузилди. Бугунги кунда 33 та ташкилот мажмуани тиклашда яқиндан қумаклашмоқда. Ҳар бир ҳоим учун аниқ ҳажм

ҳақми кўрсатилади. Аниқ ҳажм ҳақи тўланапти. Андижон туманидаги Раҳимжон Одилов бошлиқ автотўлов асосида 10 нафар хашари ишторик этмоқда. Йўлсозлар мажмуа ҳудудидида йўлакларни асфальтлаш, ариқ-чаларға лоток ётқириш, гулзорлаштириш, текислаш ишларини бажармоқдалар. Ҳозиргача 1,5 минг кубометр туғрук ишлари

адо этилди. 6 та юк машинаси, грейдер ва бошқа техника воситалари хашарда қатнашапти. Ишчилардан Орифжон Қўшоқов, ҳайдовчилардан Маъруфжон Тўхтамуродовлар ҳамкасблариға ўрناق бўлаптилар. «Асакаб-мой» ҳиссадорлик жамиятининг сантехника хашарчилари ва муҳандислик иншоотларини созилаш, электр таъминотини йўлга қўйиш ишларини авж олдиришмоқдалар. Тиллажон Бадалов бошлиқ соловчиларнинг ишлари таҳсинға лойиқ. Қўл тармоқли «Фортуна» ишлаб чиқариш хусусий фирмасининг Бахтиёржон Маликов бошлиқ бригадаси қўшимча хоналар қуриш, бўёқ ва сувоқ ишларини тезкорлик билан олиб бораптилар. «Биокимм» корхонасининг Руслан Орипов бошлиқ қилаётган бригада йигитларнинг қўли гул. Том ёпиш, полга мрамор қопламларини ётқириш ишларини олиб бораптилар. Қозонхоналарни ҳам сифатли қилиб қўлдан чиқаришмоқда.  
Вилоят «Қишлоқўзлашқимм» бошқармаси, Андижон тиббиёт олийгоҳи, тиббиёт коллежи, шаҳар электр тармоқлари идораси

## СПОРТ МАКТАБИ

Хоразм вилояти Янгибозор тумани ёш спорт ишқибозлари мамлакатимиз мустақиллик байрамиға ахойиб тўхфа олишди. Бу ерда яхши ҳиёзланган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилди.

Мактаб хашар йўли билан қурилиб, ушбу хайри ишда тумандаги қўнгина меҳнат жамоалари қатнашди. Асосий бинони, бошқа иншоотларни бунёд этиш, зарур анжомларни харид этиш учун улар томонидан 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Энди ўсмирлар бокс, миллий кураш, бошқа спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

(ЎЗА)

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси вилоят қасаба уюшмалари Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудирин Озод Отахонов ва Урганч шаҳри бўйича қасаба уюшма ташкилотчиси Худойберганд Отахоновға аялари **НАЗИРАПОШША АВИНИЧ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.  
«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси оператор Заҳро Раҳимовага буювси  
**Туркистоннинг янги Суринбогани** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.  
**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири**

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
**МУАССИС:**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимжўяева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишға топширилш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.10

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134  
Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.